Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 19 апрель
ЖУМА
№ 76 (5.118).
БАҲОСИ 8 тийин

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» давлат хўжалиги пахтакорлари ерга барака уруғи қадаш суръатини кун сайин оширмоқдалар. Бу юмуш хўжаликнинг Тўланбой Асқаров бошлиқ бригадасида уюшқоқлик билан ўтмоқда.

— Жамоамиз миришкорлари амалдаги йилда 78 гектар ерда деҳқончилик қилади, — дейди саркор Т. Асқаров.— Мақсадимиз ҳар гектар ердан 40 центнердан оқ олтин армуғон этиш. Шу ниятда экиш-тикиш ишларини қизитиб юбордик. Кунига 15 гектар майдонга уруғ тушаётир.

СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи Т. Асқаров (чапда) механизатор А. Қодиров ва сеялкачи З. Ҳакимов. 2. Экиш пайти.

В. ТЎРАЕВ олган суратлар.

ФИЗИКАДАН XXV БУТУНИТТИФОҚ ЎҚУВЧИЛАР ОЛИМПИАДАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА!

Азизлар!

Сизларни, олимпиада иштирокчилари ва талабчан ҳакамларни, ташкилотчилар ва ҳомийларни билим ва зукколик мусобақаси билан табриклайман!

Сафларингиздан тинчлик ва ҳамкорлик йўлида, элимиз ва мамлакатимиз равнақи учун ҳормай-толмай меҳнат қиладиган, қолаверса, бобокалон алломаларимиздек янада улкан миқёсларда наф келтирадиган олимлар етишиб чиқишига ишонаман.

Бу тадбир сиз билан бир қаторда устозларингиз ва отаоналарингиз қалбида фахр ва умидбахш ҳаяжонлар ўйготади. Ҳамма каби мен ҳам бу умидлар рўёбга чиқишига тилакдошман.

Илмнинг осон бўлмаган мушкул йўлларида барчангизга сабр-тоқат, изчиллик, ирода ва фидойилик тилаб, кашфиётлар завқидан доимо баҳраманд бўлинг дейман.

Сизларни жаҳонга донғи кетган олимларни тарбиялаган заминда яна бир бор муборакбод этаман ва бу замин сизга ҳам ана шундай олимларга хос парвоз майдони бўлишни тилайман!

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти, И. КАРИМОВ.

МУЗОКАРАЛАРНИНГ ИККИНЧИ ДАВРАСИ

ТОКИО, 17 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Бу ерга расмий ташриф буюрган СССР Президенти М. С. Горбачев билан Япония бош вазири Т. Кайфу бугун олий даражадаги музокараларнинг иккинчи давраси бошладилар. Кўпгина халқаро муаммолар —СССР билан АҚШ, умуман Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар, Форс кўрфазидаги, Яқин Шарқдаги вазият, Осиё, Тинч океан минтақасидаги, шу жумладан Корея ярим ороли ва Камбоджа теварагидаги аҳвол муҳокама қилинмоқда.

Тушдан кейин М. С. Горбачев билан Т. Кайфу яккама-якка суҳбатлашадилар.

ЭРТАНГИ КАРАМ ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Хўжаликда сабзавотчилик тўлиқ оилавий пудратга ўтказилиб ер деҳқонларга тақсимлаб берилди-ю, аҳвол тубдан ўзгарди. Бир пайтлар давлат буюртмасини бажаролмай, таънадан боши чиқмаётган сабзавоткорларнинг ҳозирги ишлари таҳсинга лойиқ. Эртаги карам етиштиришда «Ангор» давлат хўжалиги сабзавоткорларига райондагина эмас, вилоятда ҳам барчанинг ҳаваси келади. Тўрт-беш йилдан буён улар плёнка остига экилган карамни апрель ойининг биринчи ўн кунлигида халқимиз дастурхонига етказиб бермоқдалар. Иттифоқимизнинг шимолий районлари аҳолиси ҳам ундан баҳраманд бўлмоқда. Жорий йилда хўжалик деҳқонлари қардошларга шартнома асосида 3.900 тонна карам жўнатишади. Термиз шаҳри, Ангор ва Жарқўрғон районлари бозорларидаги сабзавот дўконларида ҳам савдо ташкил этилади.

Амалдаги йилда хўжаликнинг 20 гектар майдонида эртаги карам етиштирилаяпти. Шуниси қувончлики, хўжаликда «менинг томорқамда етиштирилган маҳсулот— меники, даладагиси — совхозники» дейдиганлар йўқ. Оилавий пудрат учун маҳсулотнинг эгаси — деҳқон. Йил бошида тузилган шартнома асосида маҳсулотини топшираверади. Даромаднинг етмиш фоизидан манфаатдор. Ҳосилни бир кун бўлса-да, барвақт етиштирса — марра уники. Сотаман, деб бозорда сарғайиб ўтирмайди. Маҳсулот тайёр, деган хабарни етказса бас, эртаси дала бошида харидор транспорти билан тайёр туради. Шу кеча-кундузда Тошкентдаги «Азия» фирмаси вакиллари махсус совитгичли машиналарда эртаги карамни пойтахт аҳолисига етказиб беришяпти. Сурхондарё заминида етиштирилган неъмат тез кунда ёқутистонликлар дастурхонини ҳам безайди.

Хўжаликнинг карам кўчатини барвақт ўтқазган хонадонларида ҳосилни узиб, машиналарга юклаш қизғин. Бундай пайтда ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилган ютади. Жума ака Шобировлар оиласида бунинг гувоҳи бўлдик. Томорқа бошида машина тайёр турибди. Килограмми учун бир сўм йигирма тийиндан тўлашаяпти. Жума акалар оиласи ҳовлисида 0,3 гектар майдонда плёнка остида карам кўчатлари парваришлашди. Ўн тоннадан зиёд ҳосил олиш мўлжалланаяпти. Оила аъзолари хўжаликдан 1,2 гектар ер олишган. Мазкур майдонда ҳам карам, помидор, булғор қалампири, бақлажон етиштирилади. Бултур оила аъзолари шунча ердан 50 тоннадан зиёд маҳсулот топшириб, ўн саккиз минг сўм даромад қилишган.

Жума аканинг ўғли Хушбоқ саккиз йилдан буён сабзавотчилик бригадасига бошчилик қилаётир. У олий маълумотли агроном. Бригада аъзолари бултур 28 гектар майдонда 650 тонна неъмат етиштиришди. Ўттизта оилавий пудратчи топшириқни ортиғи билан уддалади, даромад ҳам шунга яраша бўлди. Амалдаги йилда улар 700 тонна маҳсулот етиштиришни режалаштиришган. Айни пайтда тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида алмашлаб экиш жорий этилмоқда.

Оила дастурхони атрофига 22 киши жамулжам бўлади. Ҳаммалари бир қозондан овқат ейди.

— Барака ҳамжиҳатликда, — дейди Жума ака. — Яна уч йилдан сўнг пенсияга чиқаман. Ҳозирча кучқувват бор, фарзандларимни ҳам меҳнатсеварликка ўргатяпман. Сабзавотдан келадиган даромадга қараб ўтирмаймиз. Оиламиз учун зарур бўлган маҳсулотларни томорқамизда етиштирамиз. Гўшт, сут, қаймоқ, сариёғ ҳам ўзимиздан чиқади. Беш бош соғин сигиримиз бор. Бешта ҳўкизни бўрдоқига боқаяпмиз. Яна қўй-эчки дегандек. Шундай қилинмаса, токайгача бозордан бир килограмм қорамол гўштини ўн беш сўмдан олиб, қозон қайнатиш мумкин. Қишлоқдаги ҳар бир хонадонда ана шундай имконият бор...

Ҳозир «Ангор» давлат хўжалигида 200 дан ортиқ ана шундай оилавий пудратчи бор. Уларнинг аксарияти ўзига ажратилган ердан баракали фойдаланаяпти. Томорқаларда етиштирилаётган эртаги карамдан 600 тоннасини хўжалик иттифоқ шаҳарларига жўнатади. Биринчи майгача Тошкент, Андижон, Наманганга, Қирғизистон жумҳурияти шаҳарларига ҳар куни 60—70 тоннадан карам жўнатиш мўлжалланаяпти. Абдишукур Шералиев, Саттор Йўллиев, Тўхта Ражабов, Суюн Тожиев каби уста деҳқонлар эл дастурхонига 5—6 тонналаб маҳсулот жўнатишди.

Б. КЕНЖАБОЕВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Табиат деҳқондан ўз саховатини аямаяпти. Кунлар тобора исиб, ерга барака уруғини тез ва соз қадаб олиш учун қулай имконият туғилмоқда. Ғанимат дақиқалардан унумли фойдаланиб, экиш суръатини ошираётган меҳнат жамоаларида муҳим тадбир бирин-кетин ниҳоясига етказилаётир.

Эллинқалъада кўклам олатдагидек кеч бошланди. Ерларнинг ўзига хос шароити ҳамда ҳудуд иқлими мавсумга апрель ойининг иккинчи ўн кунлигидан киришишни тақозо этган бўлсада, район пахтакорлари хотиржамланиб туришмади. Пайкаллар уруғ тушишига ҳар томонлама пухта тайёрланди. Экиш олдидан майдонларга сув таралди. Ерга дастлаб насиба сочишга райондаги «Қирқкизобод» жамоа хўжалиги пахтакорлари киришдилар. Колхознинг Мўминбой Қиличев бошлиқ бригадаси даласида район «оқ олтин» усталарининг мавсумолди йиғини бўлиб ўтди. Деҳқонлар барака уруғини тез ва соз қадаб олиш юзасидан кенгашиб олдилар. Шундан сўнг меҳнат жамоаси пайкалларига экиш агрегатлари киритилди. Шу куни хўжаликнинг Раҳматилла Оллоназаров, Норгул Бозорова бошлиқ бригадаларида ҳам 8—10 гектар ерга уруғ тушди.

Колхоз пахтакорлари амалдаги йилда 2000 гектар майдонда деҳқончилик қилишади. Улар давлат қабул пунктларига 5000 тонна сифатли хом ашё топшириб, гектар ҳосилдорлигини 30 центнердан оширишни кўзда тутишаяпти. Бунинг учун хўжаликда барча имкониятлар етарли. Оби-тобида мавсумга ҳозирланган пайкалларга чигитни тез ва соз экиб, уруғ бир текис ундириб олинса бўлгани. Шу боис О. Одамбоев, Й. Раҳмонов, М. Тангриберганов, Б. Раззоқов, Р. Раҳматов сингари механизаторлар пешқадамликни қўлдан бермай, кунлик иш нормаларини бир ярим-икки ҳиссага уддалашаётир. Уларнинг ғайрати билан ҳар куни хўжаликнинг 140—160 гектар майдонига барака уруғи қадалмоқда.

Б. ДУСЧОНОВ.

ДУРКУН КЎЧАТЛАР

Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги иссиқхонасида етиштирилган сабзавот кўчатлари колхоз далаларига олиб чиқилмоқда. Колхоз тасарруфидаги барча меҳнат жамоаларига помидор ва булғор қалампири кўчатларини етказиб беришга аҳд қилган Мусаён Ғуломов бошлиқ омилкорлар февраль ойининг биринчи ўн кунлигида майдонга уруғ сепишганди. Кўп ўтмай у бир текис униб чиқди. Меҳр билан парваришланган кўчатлар соғлом ва тетик.

— Етиштирилган кўчатларни хўжаликка арзон баҳода сотаяпмиз, — дейди М. Ғуломов. — Ҳозирга қадар 200 минг туп эртанги помидор ва булғор қалампири кўчатлари очиқ ҳавога ўтказилди. Иссиқхонамизда яна 400 минг тупдан зиёд кўчат бор. Яқин кунларда улар ҳам хўжалик далаларига олиб чиқилади.

А. ХОЛМИРЗАЕВ.

СССР ПРЕЗИДЕНТИ ДОИ БИЛАН УЧРАШДИ

ТОКИО, 17 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти Японияга қилган расмий ташрифининг иккинчи куни М. С. Горбачев мамлакатдаги парламент оппозициясининг етакчи кучи — социал-демократик партия марказий ижроия комитетининг раиси Такако Дои хоним билан учрашди. Нонушта асносида бўлиб ўтган суҳбат чоғида, жумладан икки томонлама халқаро муносабат масалалари тилга олинди.

Т. Дои хоним мамлакат ўртасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун халқ дипломатиясидан ҳар томонлама фойдаланиш керак, деган фикрни билдирди. Яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш бутун япон халқининг ҳоҳишидир, деб таъкидлади у. Мамлакат социал-демократларининг раҳномоси СССРдаги қайта қуриш сиёсати давом эттирилишидан бенҳоя манфаатдорлик изҳор этди, барча қизиқувчи томонларнинг манфаатларини эътиборга олиш асосида кўпроқ хавфсизлик ғоясини Осиё-Тинч океан минтақасига ҳам тадбиқ этиш зарурлигини билдирди.

«Совет давлати олий раҳбарининг Японияга тарихда биринчи марта буюрган ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш нуқтаи назаридан буюк аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман», — деди Т. Дои ТАСС мухбирлари билан суҳбатда. Унинг фикрича, М. С. Горбачевнинг ташрифи СССРнинг Совет—Япония алоқаларини ривожлантиришда тараққиётга эришишга қаттиқ бел боғлаганидан далолат беради. «Президент Японияда бўлган вақтида халқимизнинг унга ва унинг мамлакатига ҳурмат билан дўстона қараётганига шахсан ишонч ҳосил қилишига аминман».

Социал - демократларнинг раҳномаси М. С. Горбачевнинг ташрифи иккала мамлакат ўртасида сулҳ шартномаси тузишга йўл очишига ва улар ўртасидаги ҳудуд масаласини ҳал этишга ёрдам беришига умид билдирди. Сулҳ шартномасини тузиш учун муайян шарт-шароит, икки томонлама муносабатларда қулай муҳит бўлиши зарурлигини айтгач, у СССР президентининг ташрифи бу йўлда муҳим қадам бўлиб қолади, деб ишонч билдирди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлди. Раёсат аъзолари — Ўзбекистон ССР халқ назорати комитети раиси М. М. Мирқосимов билан Марказий назорат комиссияси раисининг ўринбосари И. Р. Иноғомовнинг жумҳурият бир қанча вазирликлари ва идораларининг, вилоятларининг, шунингдек Тошкент шаҳри бошқармалари, корхоналари ва ташкилотларининг коммунист раҳбарлари Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССРда аҳолига энг зарур молларни белгиланган миқдорда сотишни назорат қилишни кучайтириш тўғрисида»ги 1991 йил 1 апрель қарорини қандай бажараётганликлари юзасидан ўтказилган текшириш натижалари ҳақидаги ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди.

Биргаликда ўтказилган текширишда коммунист раҳбарларнинг кўпчилиги энг аввало мазкур масаланинг сиёсий аҳамиятини ҳисобга олаётганликлари, чакана нархлар ислоҳоти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирларни ўз вақтида ва тўла амалга оширишда шахсан жавобгар эканликларини ҳис қилаётганликлари аниқланди. Текширилган меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида ташкилий ишлар амалда ниҳоясига етказилган. Кўпгина саноат корхоналарида ишчи ошхоналарида овқатланганлик учун қўшимча ҳақ тўланмоқда, барча талабалар тушлик учун қиймати 1 сўм 50 тийинлик текин талонлар билан таъминланганлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг тавсиясига мувофиқ Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, уларга тенглаштирилган кишилар ва шахсий пенсионерларга ўзлари аввал бириктириб қўйилган ерларда, асосан «фахрий» дўконларида хизмат кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга текшириш чоғида жиддий камчиликлар ҳам очиб ташланди. Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов, Киров, Ленин, Чилонзор районларидаги бир қанча дўконларда ажратилган фондларга мувофиқ номенклатура бўйича савдо тармоқларига моллар етказиб беришнинг ҳар ўн кунга белгиланган миқдорига риоя этилмаяпти, савдо қоидалари қўпол бузилганлиги, харидорларнинг манфаатлари камситилганлиги фактлари аниқланди. Савдо ходимлари томонидан баъзан харидорларга нисбатан йўл қўйилаётган одобсизлик, қўпол муносабат, савдо шохобчаларида хизмат қилиш тартибининг такомиллашмагани, белгиланган миқдордаги моллларнинг йўқлиги аҳолида ҳаққоний равишда норозилик туғдирмоқда. Текширилган ишчи ошхоналарига озиқ-овқат маҳсулотлари муттасил етказиб берилмаслиги натижасида таомларнинг турлари кам бўлмоқда, ўринлар етишмаяпти, сифатсиз овқат тайёрланишига йўл қўйилмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ошхоналарига ўқувчиларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари комбинатидан маҳсулотлар кечикиб келтиридмоқда, сут маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар етарли даражада олиб келинмаяпти, овқатнинг сифати қувватига кўра санитария нормаларига мос келмайди. Кўпгина мактабларнинг ошхоналарида, айниқса, Киров ва Собир Раҳимов районларидаги мактабларнинг ошхоналарида шундай камчиликлар бор эди.

Бундай фактлар бошқа минтақаларда ҳам борлиги аниқланди. Чунончи, Қорақалпоғистон жумҳуриятида текшириш ўтказилган куни савдо корхоналарининг 10 фоиздан кўпроғи моддий бойликларни қайта баҳолашни тугалламаган ва амалда аҳолига хизмат кўрсатишмаётган, дўконларнинг бир қисми эса иш вақтида ҳам ёпиқ эди. Тошкент вилоятининг қатор районлари ва шаҳарларида маҳаллий Совет идоралари ва савдо корхоналари раҳбарларининг хатога йўл қўйиши натижасида товар ресурсларини қайта ҳисоблаб чиқиш ва савдо шохобчаларини белгиланган миқдордаги кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш асоссиз равишда чўзилиб кетди. Аҳолига ун, гуруч, ўсимлик ёғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва сотишда ҳам узилишларга йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раёсати ишларнинг бундай аҳволига савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги айрим ходимларнинг сусткашлиги ва одамларнинг эҳтиёжларига бефарқ қараётганлиги, бошқарув ўрта бўғинидаги раҳбарларнинг уларга нисбатан етарли даражада талабчанлик қилмаётгани, жойлардаги партия идоралари тегишли вилоят, шаҳар ва район корхоналари ҳамда ташкилотларининг коммунист раҳбарларига нисбатан талабчанликни пасайтириб юборганлари асосий сабаб бўляпти, деб ҳисоблайди.

Вилоят, шаҳар ва район партия ташкилотларининг назорат комиссияларига партия комитетлари билан биргаликда халқ назоратчилари, касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлар кенг доирасини жалб этиб, жойларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар қандай амалга оширилаётганини яна текшириш, бу ишда коммунистларнинг фаол қатнашишига эришиш тавсия қилинди. Ўз шахсий фаолиятсизлиги ва ўзбошимчалик билан ўйламасдан чиқарган қарорлари бозор иқтисодиётига ўтишдаги объектив қийинчиликларни чуқурлаштираётган, бу билан Ўзбекистон Компартиясининг обрўсига зарар етказаётган КПСС аъзоларига, энг аввало барча раҳбарларга талабни кучайтириш топширилди.

Олий таълим вазирлиги билан Халқ маорифи вазирлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо, умумий овқатланиш ва халқ маорифи бош бошқармалари раҳбар коммунистларининг тартиббузарликларнинг барча бандлари юзасидан айбдорларга нисбатан зарур хулосалар чиқарилади, уларга нисбатан ҳатто лавозимидан бўшатишгача бўлган жазо чоралари қўлланилади, Президент фармонлари ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан чиқарган қарорлари сўзсиз бажарилиши учун қўшимча тадбирлар кўрилади, деб айтган гаплари маълумот учун қабул қилинди. Раёсат КПСС аъзолари — республика миқёсидаги бошқарув бўғини раҳбарларининг шахсий партиявий жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қайта текшириш натижаларига кўра зарурат бўлганида муҳокама қилиш мумкин, деб ҳисоблади.

КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди номига юборилган шикоят-аризалар асосан кўриб чиқиб бўлинди. Коммунистларнинг бошқа шикоятлари ва аризалари, шу жумладан Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари билимгоҳи ректори О. У. Салимовнинг аризаси юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди. СССР прокуратураси жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли унга нисбатан қўзғатилган жиноий ишни тўхтатганини, билимгоҳ бошлангич партия ташкилотининг илтимосномасини ва ижобий характеристика берганини ҳисобга олиб, Марказий назорат комиссиясининг раёсати О. У. Салимовни 1957 йилнинг май ойидан КПСС сафига тиклади.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ котиби Р. Ҳ. Абдуллаеванинг уни партияга тиклаш тўғрисидаги аризасини текшириш юзасидан Марказий назорат комиссияси раёсатининг аъзоси Н. А. Муҳиддинов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳнинг иш натижалари муҳокама қилинди. Текшириш ва Марказий назорат комиссияси назорат гуруҳи мажлисларида бир неча марта қилинган муҳокама чоғида аниқланганидек, у Марказий Комитетнинг 1987 йил 25 мартда бўлган бюросида ўз шаънига айтилган танбеҳларни, мафкуравий ва кадрлар ишида йўл қўйган камчиликлар ҳамда хатоларни эътироф қилган, айни вақтда бу хатолар умуман Марказий Комитет котибияти ва бюроси фаолиятидаги хато ва камчиликлар оқибати эканлиги тўғрисида ҳам фикр билдирган.

1987 йилнинг декабрида Марказий Комитет VII пленуми СССР прокуратурасининг тақдимномаси асосида партия турмуши нормаларини қўпол равишда бузганлиги, гаразли мақсадларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги ва порахўрлиги учун уни сиртдан КПСС сафидан чиқарган эди. 1990 йил 15 январь куни СССР Олий судининг жиноий ишлар судлов ҳайъати Р. Ҳ. Абдуллаевага қўйилган айбларда далиллар бўлмагани учун уни айбсиз деб топди ва жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли ишни тўхтатди. Шунингдек унинг мусодара қилинган мулки ва бойлиги қайтариб берилади.

Р. Ҳ. Абдуллаева КПССдан ўчирилаётган вақтида қўйилган айблар бекор бўлганини, ишда йўл қўйган жиддий камчиликлари учун партиявий жавобгарликка (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби лавозимидан бўшатилган) тортилганини эътиборга олиб, Марказий назорат комиссиясининг раёсати Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ижтимоий-сиёсий муаммолар билимгоҳи бошлангич партия ташкилотининг уни КПСС сафига тиклаш тўғрисида 1991 йил 18 январдаги илтимосномасини асосли, деб топди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатини қамоққа олишга рухсат беришда ва партиядан ўчиришда Р. Ҳ. Абдуллаеванинг депутатлик мақоми ва коммунистнинг уставдаги ҳуқуқлари бузилганини, унинг фаолияти тўғрисида жумҳурият коммунистларининг кўпчилиги қарама-қарши мулоҳаза билдирганини, жамоатчилик фикрининг, шу жумладан Марказий Комитет ва Марказий назорат комиссияси аъзоларининг фикри бир хил эмаслигини ҳисобга олиб, Марказий назорат комиссиясининг навбатдаги пленумида мазкур масала юзасидан узил-кесил қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Пленум мажлисига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг собиқ аъзоларини, шунингдек республика партия ташкилотидан ташқарида партия ҳисобида турган собиқ аъзоларини таклиф этишга қарор қилинди.

Мажлисда партия ички турмушининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

20 апрель— умумхалқ ҳашари куни

МАБЛАҒИ КОРИМИЗГА ЯРАЙДИ

Корхонамиз жамоаси ҳар йили шанбаликда фаол йштирок этиб, беш йиллик жамғармасига 1600—1800 сўм маблағ ўтказади. Бир ташкилотдан шунча бўлгач, Иттифоқ кўламини, ҳар йили тўпланадиган пулни тасаввур қилаверинг. Биз меҳнатимизни миннат қилмоқчи эмасмиз. Лекин очиғини, айтганда, бу тадбирнинг халқимиз турмуш фаровонлигини оширишдаги ҳиссаси яхши сезилмаётир. У ёки бу минтақада шанбалик маблағи ҳисобидан мактаб ёки болалар боғчаси қурилганини эшитганимиз йўқ. Тўғри, шанбаликларни ўтказиш керак. У азалий удумларимиздан бири. Айниқса, ўзбек халқи ҳашар йўли билан кўплаб хайрли ишларни бажаришга одатланган. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам амалий натижани унутмаслик лозим. Корхонамиз жамоа кенгашининг йиғилишида бу йилги ҳашарни бошқачароқ ўтказишга келишиб олинди.

Пахта тозаловчилар жорий йилни кўтаринкилик билан бошладилар. Дастлабки уч ойлик топшириқ муваффақиятли бажарилди. Қарийб 38,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шартнома асосида 43,8 миллион сўмлик хом ашё сотилди. Шу даврда 5133 тонна тола, 17 минг тонна чигит, 112 тонна момиқ ишлаб чиқарилди, 1,5 миллион сўмга яқин соф фойда кўрилди. Тошкент, Андижон, Фарғона, Ростов-Дон, Иваново шаҳарлари ҳамда қардош Қозоғистон жумҳуриятидаги тўқимачилик корхоналарига сифатли тола етказиб берилмоқда. Шанбаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми одатдаги кундардагидан кам бўлмайди. Аксинча, ўша куни жамоа аъзолари шижоат билан меҳнат қиладилар. 500 минг сўмлик маҳсулот тайёрланади. Қабул пунктларидан қайта ишлаш учун 300 тонна хом ашё ташиб келтирилади, тўқимачилик корхоналарига 100 тонна тола, Денов шаҳридаги ёғ-экстракция заводига 150 тонна чигит жўнатилади.

Шанбаликда 545 киши иштирок этиши кўзда тутилаяпти. Уларнинг бир қисми корхона ҳудудини тартибга келтириш юмушлари билан машғул бўлади. Ишчиларимизнинг катта гуруҳи Оқтепа сув ҳавзаси атрофидан ажратилган 150 гектардан иборат ёрдамчи хўжаликда меҳнат қилади. Улар эрта баҳорда 5 гектар майдонга экилган мевали дарахт ниҳоллари атрофини юмшатишиб, сув қўядилар. Ҳозир бу ердаги боғ 20 гектарга етказилди. Бир-икки йилда ишчиларимизни хилма-хил арзон мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминлаймиз. Ана шундай баҳаво кўркам жойда корхона жамоаси ҳордиқ чиқариб, даволанадиган соғломлаштириш маркази қурилиши кўзда тутилмоқда.

Меҳнат байрами кунида бажарилган ишдан тушадиган 2,1 минг сўм маблағни корхона Касаба уюшмаси ҳисобига ўтказишга қарор қилинди. Боиси ундан қаровсиз қолган меҳнат фахрийларимизга мадад кўрсатишда, корхона ходимларига моддий ёрдам беришда фойдаланамиз. Ҳозир ана шундай фахрийлардан , 22 кишига пенсия ва қоплаш пулидан ташқари 30—40 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Вақти-вақти билан кексалар ҳолидан хабар оламиз. Байрамларда табриклаб, совғалар тақдим этамиз. Корхонанинг махсус қурилиш бригадаси хашарни кутмасданоқ марказий қўрғонда истиқомат қилаётган фахрийларнинг уйларини бепул таъмирлаб берди.

Ҳашарни уюшқоқлик билан ўтказамиз. Муҳими, жамоа аъзолари меҳнат байрамида ишлаб топилган маблағ ўз манфаатлари йўлида сарфланишини тўлароқ ҳис этаяптилар. Бу эса умумхалқ ҳашарига кўтаринки руҳ бағишлаши шубҳасиз.

О. ХОЛИЕРОВ,
Жарқўрғон пахта тозалаш корхонаси бошланғич партия ташкилотининг котиби.

Қут-барака сарчашмаси

Пайариқ районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалиги сут-товар фермасида илғор соғувчилар кўп. О. Сафарова уларнинг сардори. Офтобхон бултур яхши кўрсаткичга эришган. Бу йил ютуқларни янада мустаҳкамлаш йўлида тер тўкиб ишламоқда. Унинг қарамоғида 22 бош соғин сигир бор. Говмишларнинг ўзи кўк ўтга текканда буён маҳсулдорлиги ошиб бораётгани сезиляпти. Ҳар бошидан кунига соғиб олинаётган сут 10 килограммданга етаётир.

К. ТУРСУНОВ олган сурат.



Молбоқарлик оғир ва нозик иш. Вақтида хўраги, суви берилмаса, қорамолларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетади. Охир-оқибатда бундай ҳолат жониворларни бирор касалликка чалинтириши ҳам мумкин. Мол ҳам тирик жон. Очликка чидаши қийин.

Шу боис боқувчи ниҳоятда сезгир ва зийрак бўлиши керак. Молнинг очиққани ёки сувсаганини дарҳол фаҳмлаши зарур.

С. Тўйчиев шундай боқувчилардан бири. У Сўх районидаги «Ленинград» давлат хўжалиги сут-товар фермасида меҳнат қилади. Қарамоғида 45 бош новвос бор. Бўрдоқига боқилаётган моллар кунига 700 граммдан семирмоқда.

СУРАТДА: бўрдоқибоқар С Тўйчиев.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ТАШАББУСКОРЛАР САФИДА

Ташаббускорлар сафида Гагарин районидан Шеробод бройлер фабрикасига ишга келганимга уч йил бўляпти. Очиғи таниш-билишларим дастлаб ҳайрон бўлишди. Нега десангиз «Комсомолобод» давлат хўжалигида механизатор бўлиб ишлаб, ўзимга яраша обрў-эътибор қозонгандим. Сўнгги йилларда совхозда мураббийчилик ҳаракати яхши йўлга қўйилди, лаёқатли механизатор кадрлар тайёрланди. Янги фабриканинг эса муаммолари етарли эди. Ўша ерда фойдам кўпроқ тегишига ишонч ҳосил қилдим. Дастлабки кунданоқ ғайрат-шижоат кўрсатиб ишладим. Укам Зиёдулла ҳамда хосиятли касб бўйича кўникма ҳосил қилган Зийнатой Бубилова менга мададкор бўлишди. 24 минг жўжани меҳр билан парваришлашга киришдик. Паррандабоқар иши бир қарашда осондек туюлади. Аммо жажжи жўжаларни етилтириш учун баъзида кечаю кундуз тиним билмай ишлаш керак. Ахир, бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деб бежиз айтишмайди.

Саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Ҳар бир парранда бир кеча-кундузда 20 граммгача семирди. Гўштга топширилган бир товуқ ўрта ҳисобда 1,5 килограммданга тўғри келди. Бу ёмон кўрсаткич эмас. Моддий манфаатдорлик ёмон бўлмади. Ойлик маошимиз 270 сўмни ташкил этди. Фабрика раҳбарлари, касаба уюшмаси қўмитаси паррандабоқарларнинг унумли меҳнат қилиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратишга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Ҳафтанинг ҳар жума куни ишчи ва хизматчиларга давлат баҳосида парранда гўшт сотилади. Ўзаро социалистик мусобақанинг оммавийлиги, ошкоралиги таъминлана бошлади. Озуқадан тежаб-тергаб фойдаланганлар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида фабрикамиз меҳнатсеварлари ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, сўмни сўмга уриштириш хусусида алоҳида бош қотиришмоқда. Сўнгги ўн кунликда меҳнат беллашувида ғолибликни қўлга киритдим. Қалб даъвати билан паррандабоқарлар сафига қўшилганимдан хурсандман. Бутун куч-қувватимни ҳосиятли касбни жадал ривожлантиришга сарфламоқдаман. Ният — жорий йилда камида 26 минг бош жўжани парваришлаб, истеъмолчиларга кўплаб парҳез гўшти етказиб беришдир.

А. ЖУМАЕВ,
Шеробод бройлер фабрикаси паррандабоқари.

ФЕРМАЛАРДАН ХАБАРЛАР

ХОВОС

Саломатхон Ҳасанова чорак асрдан бери «Фарҳод» давлат хўжалигида сигир соғувчилик касбини эъзозлаб келаяпти. Ўтган йили қарамоғидаги 23 бош сигирнинг ҳар биридан 3200 килограммдан ошириб серқаймоқ сут соғиб олишга эришди. Айни кунларда шогирдлари Қанди Зарипова, Гулчеҳра Абдужабборова билан басма-басига ишламоқда. Ташаббускор чорвадорнинг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари партия ва давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У Ленин ордени, «Октябрь инқилоби», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари соҳибидир. Саломатхон Ҳасанова яқинда зиммасига оширилган мажбурият қабул қилди. Нияти — жорий йилда ҳар сигирдан 3.500 килограммдан маҳсулот топшириш.

Й. БОБОЕВ.

ИЗБОСКАН

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг сут-товар фермасида Зулфия Долимова, Насиба Норбоева шарафига Қизил байроқ кўтарилди. Бу фидокорлар ҳар говмишдан кунига 12—13 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишмоқда. Мақсадга эришишда халқ хўжалигининг синалган омили — социалистик мусобақанинг аҳамияти катта бўлаяпти. Сидқидил тер тўкканлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

М. ТУХТАНАЗАРОВ.

ОҲАНГАРОН

Сўнгги ойларда «Ангрен» жамоа хўжалиги чорвадорлари мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишяпти. Ҳамжиҳатлик, омилкорлик туфайли давлатга сут топшириш биринчи квартал плани знёдаси билан адо этилди. Муваффақиятдан руҳланган оқ чашма соҳибалари 1991 йил охиригача 1.025 тонна сут топширишга аҳд қилишган. Жамоа фахри Марям Рисбекова, Бувсара Ҳабибуллаева каби сигир соғувчилар меҳнат беллашувига қизғин тус беришяпти.

А. МАҲКАМОВ.

ПОП

Ўғилой Ғуломова чорвадорлар сафига қўшилганига 22 йилдан ошди. Ана шу вақт ичида у «Правда» колхози меҳнаткашлари орасида катта обрў-эътибор қозонди. Яхши ишлаш билан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга қаратилган ташаббуслар билан чиқмоқда. Яқинда бўлиб ўтган чорвадорларнинг умумий йиғилишида у бу йил ҳар бош сигирдан камида 3.500 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилганлигини маълум қилди.

Қ. БЕКМИРЗАЕВ.

ҚУВА

Район хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонасида 1991 йилнинг 5 ойлик плани муддатидан илгари бажарилган эди. Давлатга 206 тонна гўшт топширган меҳнатсеварлар зиммаларига қўшимча мажбурият олишганди. Ваъда бажарилди. Гўштга топширилган қорамолнинг ўртача тирик вазни 5 минг килограммга тўғри келди. Бу муваффақиятда М. Бойминзаев, Т. Абдурахмонов, С. Эргашев сингари чорвадорларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Т. АҲМАДЖОНОВ.

АНЪАНА ИЗИДАН

2512-автоколонна пойтахтимиздаги илғор меҳнат жамоаларидан бири. Бу ерда жорий йилнинг дастлабки кварталида белгиланган юк ташиш режаси ортиғи билан уддаланди.

Эришилган муваффақиятлар ҳайдовчиларни янги марраларга руҳлантирмоқда. Улар 20 апрелда ўтказиладиган жумҳурият ҳашарида фаол қатнашиб, эл-юрт фаровонлигига ўз ҳиссасаларини қўшишга аҳд қилишган. Меҳнат байрамига 430 кишн жалб этиладн. 20 та автомашина, 6 та мотор таъмирлашдан чиқарилади, 500 туп мевали ва манзаралн кўчатлар ўтқазилади. Шу куни 2 тонна дизель ёнилғиси, 1000 килограмм транспорт гази тежаб қолинади.

Зоҳиджон Раҳмонов, Абдукарим Ғафуров, Фахриддин Тошпўлатовлар етакчилигидаги бригадаларнинг ҳайдовчилари ҳашарда алоҳида ғайрат кўрсатиб, қутлуғ анъанага садоқатларини намойиш этадилар. Меҳнат байрамидан тушган маблағнинг асосий қисми корхона ҳисобида қолдирилади.

У. МУҲАМЕДОВ.

Хатларни ўқиб

ҲАЁТ НАФАСИ

Хат дил кўзгусидир. Унда инсон юрагидаги бокира тўйғулар, кўл етмас орзу-армонлар, қўйинги, дилидаги бор пинҳона кечинмалар ўз аксини топади. Муҳарририятимиз номига ҳар куни кўплаб ана шундай дил изҳори битилган мактублар келади. Уларнинг ҳар бирида қувонч ва ташвишларга ўралган ҳаёт бор. Бирини ўқиб маҳзун ўйлар оғушида ғамгин бўлсанг, иккинчиси эса липиллаб турган умидингни ишончга айлантиради.

Уларни ўқиганинг сайин қишлоқ меҳнаткашларининг бироз тўпори, дангал, хулосалари, оғир иқтисодий тангликлар ҳақидаги ўй-фикрлари, дилкаш даврлари сени ўзига ипсиз боғлаб олади. Гўё ўзингни шаҳарнинг қоқ марказига жойлашган муҳташам бинода эмас, серфайз далалар бағрида ҳис қиласан. Ям-яшил майсалар толиққан руҳингга ором бағишлайди. Пахтакор деҳқон пешонасидаги тер, қадоқ қўлларидаги қавариқлар юрагингни ўртайди. Аммо уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи сенга қувонч бахш этади.

— Эътиқоди йўқнинг имони йўқ,— деб мактубини бошлайди. Сирдарё вилояти Ховос ноҳиясидаги 2-ўрта мактаб директори Неъматулла Насруллаев, — баъзи ўртоқларимиз ўзларини халқпарвар, ватанпарвар кўрсатиб ошкоралик ва демократиядан ғаразли мақсадларда фойдаланаяптилар. Мамлакатимиз жар ёқасида турган шу оғир кунларда, улар иқтисодий таңгликдан чиқиш йўлларини излаш ўрнига, халқни чалғитмоқдалар, миллатларни бир-бирига гижгижлаб, томошабин бўлишмоқчи. Ахир қачонгача айбни жамиятдан, Коммунистик партиядан излаймиз, Сўнгги 2—3 йил ичида қанча олижаноб ишлар амалга оширилди. Халққа уй-жой қуришга ер берилди. Миллий қадриятларимиз тикланди.

— Қўй йили қутли, баракали, файзли, сариштали ва фариштали ҳисобланади, — деб ёзади гулистонлик Абдулла Умрзоқов. — Энг муҳими у—тинчлик ва осойишталик, қадр-қиймат, тўкин сочинлик йили бўлсин.

Қўлимдаги яна бир даста мактублар юртимизга қайтган севимли Наврўзимизга бағишланган. Наврўз туфайли кўкрагига шамол теккан ўзбек деҳқони кайфияти баён этилади. Ҳақиқатдан ҳам бу йилги Наврўз фақат табиат учун эмас, жамият учун ҳам ҳақиқий шодиёна бўлди. Жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовнинг фармони билан хайрли ишларга қўл урилди.

Ҳақ сўзга интиқ руҳимиз қадриятларимиз билан баробар қад ростлади. Ишончларимиз, безовта тўйғуларимиз, Наврўзимиз билан юртга қайтгандай бўлди.

Хатларни ўқиб бепарво қолиш мумкин эмас. Улардаги ғаразгўйликдан йироқ, меҳрга, эзгуликка ташна халқнинг турмуш ташвишлари, севинчлари баён этилган сатрлар сизни фикрлашга чорлайди.

Маълумки, бу йил Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Навоий йили деб эълон қилинди. Жамоатчи мухбирларимиз ўз мактубларида жойларда амалга оширидаётган тадбирлар ҳақида ёзишмоқда.

— Пахтачи ноҳиясидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигининг клубида «Ассалом Навоий» деб номланган адабий кеча бўлиб ўтди, — деб ёзади Нигора Норбоева ўз мактубида. Сирдарёлик А. Бурлиев эса 1991 йил — Алишер Навоий йили деб эълон қилиниши халқимизни руҳлантириб юборди, дейди.

Ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одати унинг турмуш тарзида ўз аксини топиб, ривожланади ва камолотга бўй чўзади. Тил—миллат кўзгуси. У ҳар бир инсон қалбида аввал она бўлиб, сўнг Ватан тимсолида кўз очади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими Саттор Йўлдошев ўз мактубида миллий тилимиз ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳақида куйиниб ёзган. Бошимизга тушаётган ҳар бир фожианинг сабаби қадриятларимиздан, маънавий хазиналаримиздан узоқлашганимизда, деб хулоса чиқаради.

Бир гуруҳ хат муаллифлари қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатилаётган маданий-маиший тадбирлар ҳақида ёзишса, А. Ҳошимов (Каттақўрғон), А. Исоҳонов (Ўш), М. Абдувалиев (Андижон), А. Муродов (Сирдарё), М. Тошев (Самарқанд) каби ўнлаб мактуб эгалари халқ ҳофизлари, театр ва кино артистлари ва эндигина санъат оламига кириб келаётган талантлар ҳақида ўз фикрларини баён этишган.

— Яхши қўшиқ ҳаётни севишга, унинг кўз илғамас гўзалликларидан лаззатланишга ва курашга ўргатади. Бутун вужудингни зилзила каби ларзага солади. Ҳофиз билан бирга сўз маъноси жавоҳирларини бир-бир териб, қўшиқ дарёсида сузиб бораётганингни сезмай қоласан, киши, — деб ёзади Москва район Совети ташкилий ишлар бўлими мудири Одилжон Нурматов.

Рўзномамизнинг маданият, адабиёт ва санъат бўлимига келаётган мактублар жуда кўп. Минг афсуслар бўлсинким, баъзи бир қаламкашлар мақолаларида фактлар етарли эмас. Улар қуруқ баёндан, ваъзхонликдан нарига ўтмайдилар. Фактлар чуқур таҳлил этилмайди. Амударё ноҳиясидан муҳарририятимизга хабар йўллаган Х. Отамуродов ўттиз йилдан бери киномеханиклик қилаётган Гулмирза Эшмуродов ҳақида ёзади-ю, аммо у қаерда ишлаётганлиги ҳақида айтишни унутади. Яна бир хил мактублар борки, уларда янги фикр йўқ. Матбуотда такрорланадиган муаммоларни қоғозга қайта кўчириб бизга юборганлар.

Биз муҳарририятимизга ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этиб, мактуб йўллаган аҳли қалам соҳибларига, азиз муштарийларимизга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Улар рўзномамиз саҳифаларида ўзларининг қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатилаётган маданий-маиший хизмат, эл соғлиги йўлида ғамхўрлик қилаётган кишилар ҳаётидан лавҳалар, қишлоқ хотин-қизларининг бугунги кундаги муаммолари ҳақидаги тийран мулоҳазали мактублари билан қатнашадилар деган умиддамиз.

Маданият, адабиёт, санъат бўлими.

МАҲАЛЛА ҲАР ИШНИ УДДАЛАЙДИ

Жиззах шаҳрида илгари «3/2» деб атаб келинган даҳалардан бири энди «Дўстлик» деб номланди. Янги номни унга маҳалла комитети берди. Бу аслига мос келади — мавзеда тўққиз миллатга мансуб етти минг аҳоли яшайди. Уларнинг кўпчилиги Жиззах аккумулятор заводида ёнма-ён ишлайди.

Бу ерда илгари мавжуд бўлган квартал комитети ўзини оқлолмади. Шундан кейин маҳалла ўз комитетини ўзгартиришга қарор қилди. Аҳоли маҳалла комитетининг раиси этиб бу ерда яшайдиган энг фаол киши — меҳнат фахрийси Дадахон Мўминов сайланди. Яқинда, «Дўстлик» аҳолиси Наврўз байрамини нишонлаган кунларда маҳалла комитетининг ташкилотчилик қобилияти синаб кўрилди. Бу кун кўнгилдагидек ўтди, чунки у ҳамма учун байрам бўлди.

Маҳалла аҳолиси бундан буён ҳам барча тадбирларни биргаликда нишонлашга қарор қилди. Армияга кузатиш ва аскарларни кутиб олиш, тўй-ҳашамлар ва дафн маросимлари, бошқа тадбирлар ҳар бир аҳолининг миллий анъаналарига кўра қўшнилар иштирокида ўтказилади. Бу эса унутилган анъаналарни тиклашда, одамлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашда ёрдам беради.

Маҳалла аҳли бугунги ва эртанги ишларни муҳокама қилиш учун қаерда тўпланади? Албатта чойхонада-да. Чойхона ўзига хос клуб, фақат кексалар эмас, ёш-яланглар ҳам тўпланадиган жой бўлиб қолади. Чойхона қуриш учун маҳалла ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки сармоя — уч минг сўм пул тўплади, жой топди, шаҳар ижроия комитетидан руҳсат олди. Бу хашаргача эса мавзени кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилади. Жамоат тартиби доимий назорат қилиб турилади. Ҳар бир қоидабузарлик учун уй комитетларининг раислари маҳалла комитети олдида жавоб беради.

А. ҚУЛБОЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

НАХОДКА. (Приморье ўлкаси). Қора денгиз пароходчилигига қарашли қуруқ юк ортиладиган «Инженер Пархонюк» кемаси бир ноёб транспорт тадбирини амалга оширди. У Ильчевск шаҳридан сув ости қанотли кемасини, денгизда қатнайдиган катерни, нефть-ахлат чиқиндиларини тўплайдиган кемани, танкер, иккн шатакчини ва шунга ўхшаш бошқа кемаларни Узоқ Шарққа олиб келди. Совет кемалари бу қадар турли-туман, катта сузувчи воситаларни ҳеч қачон бир йўла ташимаган эдилар.

●

КУРСК. Вилоят деҳқонлари эртанги дон экинларини экишга оммавий равишда киришдилар. Улар одатдагидан юз минг гектар кўпроқ ерга баҳорги буғдой экишлари керак бўлади. Бу йилги обн ҳаво ноқулай келишн шароитида куз фаслида экилмай қолган майдонларнинг ўрни тўлдирилади. Лекин бундай қилиш қийин — механизаторлар етишмаяпти.

ХОТИРА БОҒИ

Немис босқинчиларига қарши жангларда ҳалок бўлган Андижон районининг кўҳна Ойшахоним қишлоғилик қаҳрамон ака-ука Рўзиматовлар хотирасига олти гектарли боғ барпо этилди.

Фронтчи ака-укалар — Қодиржон, Каримжон, Абдурайимжон ва Йўлбарсбойнинг фарзандлари ҳамда набиралари ана шундай боғ барпо этиш ташаббуси билан чиқишди. Қариндошларнинг илтимосига кўра, Андижон район ижроия комитети Тешиктош адирларининг энг баланд жойидан олти гектар ер ажратди. Бу ерга сув кучли насослар ёрдамида чиқарилади.

Қаҳрамонларнинг қариндош-уруғлари ва дўстлари, Ойшахоним, Қуруққайрагоч, Оқмозор қишлоқларининг оқсоқоллари ва аҳолиси адирни ўзлаштиришда ва бир ярим минг туп ёш ва кўп мевали дарахт кўчатини ўтқазишда, фронтчи-қаҳрамонлар шарафига қиёбон барпо этишда Рўзиматовларга ёрдам беришди.

Олти гектар майдонни эгаллаган мевазор теварагида мирзатераклар ва мажнунтоллар ўсади.

Соғлом ҳалқнинг имони бутун

НАЖОТКОР

Мусаллам опа ярим тунда телефоннинг устма-уст жирингшидан уйғониб кетди.

— Алло!

— Опажон, ёрдам беринг. Онам,..— трубкадан пиқиллаган йиғи овози эшитилди.

— Йиғламанг, кимсиз, қаердан телефон қилаяпсиз?

— Мен Санобар опанинг қизлари Нодираман. Онам оғирлашиб қолдилар.

— Ҳозир етиб бораман, ташвишланманг.

— Акам уйингизга кетдилар, сизни олиб келишга.

Санобарни Мусаллам опа яхши билади. Ҳали 40 ёшга етмаган бу жувон ҳар куни касал. Пахта еридан ўт юлаётганда ғўзани дефолиация қилаётган самолёт устидан дори сепиб ўтган. Бир ўлимдан қолди-ю, аммо шундан бери на рўзғорига, на болаларига яхши қарай олади, на ўзида ҳузур-ҳаловат бор.

Мусаллам опа вазиятни секингина турмуш ўртоғига тушунтирди-да, керакли дори-дармонларни олиб ташқарига чиқди. Унинг оиласидагилар учун дарвозанинг беватқ тақиллашию, телефоннинг ярим тунда жирингшаши одатий ҳолга айланган.

Турмуш ўртоғи Ҳалим Ҳамидов ҳам бундай ҳодисаларга кўникиб кетган.

Мусаллам опа беморни «тез ёрдам» машинасида касалхонага узатиб, уйига қайтаётганида, тун қора чодрасини борликдан секин-аста эринибгина йиғаётган эди. Майин эсаётган тонгги шабада унинг юз-кўзларини силаб-сийпалар, сочларига чилбир солиб ўйнарди. Сарин саболар эса унинг хаёлларини узоқ-узоқларга олиб қочарди.

...Ушанда у 10-синфда ўқир, қақажон синфдошлар даврасида унинг ўз ўрни, обрў-эътибори бор эди. Қалби орзулар қанотида юксакларга парвоз қиларди. Юрагида асраган муқаддас орзуси ТошМИга кириб ўқиш эди. У баъзи дугоналарига ўхшаб оппоқ халату крахмалланган қалпоқлар ҳавасманди эмас, ҳақиқий шифокор бўлиб, қишлоқдошлари дардига малҳам бўлишни истарди.

Аммо кутилмаганда онаси — унинг яккаю-ягона суянчиғи оғир хасталикка чалинди-ю, ҳаётдан кўз юмди. Шунда қалби қайғуга тўлиб иқрор бўлди: «Агар яхши доктор бўлганда онамнинг ҳаётини сақлаб қоларди».

Қизнинг шифокор бўлиш ҳақидаги орзуси қатъий қарорга айланди. «Оналарнинг ҳаётдан бевақт кўз юммаслиги, ҳеч бир бола онадан етим қолмаслиги учун ҳам врач бўлишим шарт», деб ўйларди у.

Рўзғордаги танглик уни Тошкентдай шаҳри азимда ўқишига монелик қиларди. Шунинг учун у акасининг маслаҳати билан Бухоро тиббиёт техникумининг акушерлик бўлимида билим олди. Ўқишни тугатгач, синфдоши Ҳалимжонга турмушга чиқди. Олий даргоҳда ўқиш ҳаёли уни тарк этмаса-да, ёлғиз ўғилнинг жуфти ҳалоли сифатида қайнона ва қайнотасининг орзу-ҳавасларини ҳам босиб ўтолмади. Биринкетин фарзандлари дунёга келиб, рўзғор деган оғир тегирмон атрофидан бир лаҳза узоқлашолмади. Йиллар унинг юрагини одамлар соғлиғига боғлади-ю, улардан бир лаҳза ажралолмай қолди.

Мусаллам опа хаёл билан ҳовлисига етиб келганини сезмади. Ҳали болалари уйғонмаган, қайнонаси Ҳамро буви ҳовлини супураётган экан. Салом бериб, дарров кўлидан супургини олди. Ҳаммаёқни бир пасда тозалади. Сигирларга емиш бериб, соғди. Болаларига нонушта тайёрлаб, уларни уйғотди.

Самоварга ўт қаларкан, ўйлади: «Бухоро гази етиб борган шаҳарлар жуда кўп. Аммо нечундир 20 йилдан бери Шофирконга етиб келиши бунча қийинлашди. Ахир «Ноҳиямизга газ келди», деб ёзишганига ҳам 3—4 йил бўлдиё. Ҳамон қишлоқ аёллари ўчоққа ўт қалайди, кўмир излаб сарсон-саргардон. Бугун албатта раиснинг олдига кириб очиқчасига гаплашаман».

Мусаллам опа ҳар кунгидай болаларини мактабга кузатиб, ўзи қадрдон ишхонасига шошилди. Ариқ бўйларидаги ям-яшил майсалар шамолда майин чайқалади. Опа уларга тикилиб энтикади. «Баҳор келибди». Беихтиёр Ҳазрат Алишер Навойнинг:

«Ҳар тунинг қадр улубон,
Ҳар кунинг ўлсун Наврўз!»

деган байтини пичирлайди.

Мана 22 йилдирки, Мусаллам Жумаева шу йўлдан одамлар томон шошади. Ўқишга, ишга кетаётганлар унга рўпара келгач, қўлини кўксига қўйиб саломлашади, омонлик тилайди. 1500 нафар аҳоли яшайдиган Саврок қишлоғи, одамлари оғзиларидан бол томиб ўз халоскорини олқишлашади. Эл олқиши — бебаҳо мукофот. Мусаллам опа нимагаки эришган бўлса, ўз меҳнати билан қўлга киритган.

Саврақда бирор хонадон йўққи, унинг илиқ муомаласидан бахраманд бўлмаган, бирор одам йўқки унинг шифобахш қўлидан даво топмаган. У бир лаҳза бўлсин тиниб-тинчимайди. Юраги ҳамқишлоқларининг орзу армонларига, соғлиғига уланган. Уларнинг бошига тушган қайғу опанинг юрагига тушади.

— Пахта яккаҳокимлиги боис экологиянинг бузилиши, айниқса, сув таркибида минерал тузларнинг кўпайиши одамлар соғлиғига катта зарар етказмоқда,— дейди куйиниб М. Жумаева, — биз қишлоқ Шўросидагилар билан келишиб, оилаларни тоза ичимлик суви билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Аммо «Қўлдан берганга қуш тўймас», деган нақл бор. Касалликни даволашдан, олдини олиш осон. Шунинг учун биз инқироз ёқасида турган экологиямизни ҳалокатдан қутқаришимиз керак.

Мусаллам опа қишлоқ Шўроси депутати сифатида халқ дардига дармон. У «Шофиркон» жамоа хўжалиги хотин-қизлар кенгашининг аъзоси, ёш оилаларнинг доно маслаҳатчиси.

— Бемор қалбида соғайиб кетишига ишонч уйғотмоқ даркор, шундагина даволаш осонлашади, — дейди М. Жумаева,— Хасталарга руҳан мадад бўлолмаган шифокор ҳамиша мағлубдир.

Донишмандларимиз: «Бировнинг бир томчи кўз ёшини қурита олган киши, жанг майдонида қаҳрамонлик кўрсатган одамдан кўра баҳодиррокдир», дейишган. Биз ҳикоя қилган шифокор аёл Мусаллам Жумаева эса юзлаб, минглаб кишилар дардига малҳам бўлмоқда. У Шофиркон ноҳиясидаги Қалмоқон қишлоқ Шўросига қарашли 5-фельдшерлик-акушерлик шаҳобчасида асдойил меҳнат қилиб, одамларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиб келаяпти.

А. ҚОДИРОВА.

«Сурхонводстрой» трести ташкил этилганига ўттиз йил тўлди. Жанубий воҳа мелиораторлари ўтган давр мобайнида 700 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда зўр ғайрат ҳамда фидойилик кўрсатдилар. Чўл бағрида барпо этилган ўнлаб янги хўжаликлар, мактаблар, боғчалар, шифохоналар уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Жорий йилда экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан катта режалар белгиланган. Шу мақсадда меҳнат беллашуви авж олдирилиб, мавжуд куч ва имкониятлардан унумли фойдаланиляпти. Эришилаётган ютуқларда 2-механизациялашган кўчма колонна жамоасининг муносиб улуши бор. Тажрибали ирригатор Эргаш Эрназаров (суратда) ўттиз йилдан бери шу корхонада ҳалол меҳнат қилиб, касбдошларининг ҳурматини қозонаяпти.

Р. ШАГАЕВ олган сурат.
(ЎзТАГ).

Мулоҳаза

ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

Одамзот 1500 хилдан кўп оғир-енгил, бир-биридан фарқ қиладиган касалликка чалинар экан. Наҳотки, инсон танаси шунча касалликка моил бўлса...

Тани соғлиқ ҳуси, кайфият, хушвақтлик, куч ва давлатингиздир. Қарияларимиз «тани соғлиқ-катта давлат» деб бежиз айтмайдилар.

Чўкаётган одам мадад истаб хас, чўпга қўл чўзгандек, бемор ҳам шифо истаб фолбинга фол очтиради, кушночга қоқтиради, муллага ўқитади, табибга қаратади, доктордан даво истайди, мозорларга сиғинади, отабобосининг руҳига чироқ ёқиб илтижо қилади.

Сариқ касаллигининг оғир тури билан етти ой дард чеккан бир йигитни биламан. Докторлар бор чорани кўришди. Уч-тўрт марта қон қуйишди. Муолажа орасида маҳаллий табибчиликнинг: арпанн қайнатиб сувига чўмилтириш, тирик балиқни кўрсатиб, испаракдан чой дамлаб бериш, майна қуши гўштини пишириб бериш, ўқитиш ва ҳоказо. 32 хил қулоққа чалинган даволаш усуллари ҳам бажарилди, Наф бўлмади. Яна тошкентлик докторларнинг даволаш усули иш берди. Бу далилни келтиришдан мурод сариқ касали ашаддий кўпайган, касалхоналарда жой етишмаган йилларда майна қушига қирғин тушди. Лекин майна қуши гўштидан соғайиб кетган беморни ҳеч ким кўрган эмас.

Ҳар ернинг, ҳар элнинг табиблари, табибчилик усуллари бор. Бу усулларнинг нечоғлик тўғри ёки нотўғрилигини билиш аввало шарт-дир. Ўзини табиб сановчи шахснинг айтган бемаъни гапига эргашмаслик керак.

Қуш ва ҳайвонларга қирон келтириш ҳеч бир кимсани бахтиёр қилган эмас. Аксинча, оқибати бахтсизликдир. Шундоқ ҳам табиатнинг бор бисотини, ҳайвонлару қушларини қийратиб битираяпмиз. Шуни унутмаслик керакки, беморларнинг кўпчилиги хонаки табибларнинг давосидан эмас, тиббиёт йўли билан ўз дардидан фориғ бўлади.

К. Маҳмудовнинг «Қизиқарли пазандалик» китобида ёзилишича одам емайдиган жонивору қуш ва ҳашаротлар йўқ экан. Ундан парча келтирамиз:

«Гватемаладаги индейслар калтакесакни «чўл балиғи» деб ҳузур қилиб ейишади». «Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанлари қирғоқларида жойлашган мамлакатларда ва шу океанлардаги оролларда яшовчи халқларнинг кўпи денгиз тошбақаларини ейди. Сузувчи тошбақалар анча катта бўлиб ҳар бири 50 килограммдан тортиб, 500 килограммгача гўшт қилади». «Индонезия ва Бирмада кўпгина антиқа таомлардан бири чигирткахўрликдир. Улфатлар оқшом пайтида боғ, дала, ўрмон четида йиғилишиб давра қуриб ўтиришади. Ўртада гулхан ёқишади. Чор атрофдаги чигирткалар ловуллаган олов томон учиб кела бошлайди. Ҳар бир иштирокчи ўз ўлжасини чўпчакка илади-да, чўққа тутиб кабоб қилади. Сўнгра маза қилиб тушираверишади. «Африкада, Австралия ва Янги Зеландияда истиқомат қилувчи ерли аҳолининг бир тоифаси ўрмонларга боради-да, дарахтдан капалак ва қуртларни териб туз-пуз сепмасдан ея беради».

Қизиқ, одамзот нафси аждарҳо! Емайдиган нарсаси йўқ. Ҳайвонлар фақат гўшт ёки ўт еб яшайди.

Аждар домига тортса, дейилади достон ва эртакларда, йўлида дуч келган тошу тупроқ, ҳайвонлару қуш, хасу чўплар узилиб тушган яproқ сингари учиб бориб оғзига кираверади. Табиб деб ўзини кўрсатган баъзи текинхўрлар мижозларининг соддалигидан фойдаланиб, бир томондан мўмай даромад олаётган бўлсалар, иккинчи ёмон томони уларнинг буюртмаси билан жониворларимиз қирилмоқда. Ана шундай табибларга ишониб, барвақт ўлиб кетганларни биламан. Ўсимликлар дунёсидаги шафқатсизликлар хусусида тўхталиб ўтирмадим.

Медицина фани кўп кашфиётларга эга. Бугунги ҳаётимизда уларнинг аҳамияти беқиёс. Тўғри табибчиликни ҳам иккор этиш мумкин эмас. Бир тасаввур қилинг... Ҳозирги кунда оддий хасталик ҳисобланган кўричакни жарроҳсиз тузатиш мумкинми? Инсон мияси, юрагида қилинаётган жарроҳликни кўз ўнгингизга келтиринг. Бундай мураккаб дард илон, ит, қора қўнғиз, қурбақа гўшти, ўт-гиёҳларни ейиш билан тузалмаслиги аниқ.

Ўсимлик, ҳайвонлар, қушлар, дарахтлар, сув ва денгизлар, ҳаво, қуёш, ер — яшашнинг таркибий қисмидир. Унинг бир тури бўлмаса, табиатда мувозанат йўқола бошлайди. Одам танаси ҳам худди шундай.

Баъзилар кўр-кўрона амал қилаётган «даво»ларнинг зарари кўп. Мақбул ва номақбул бундай «даво усул»лари ҳақида рўзномаларда маълумот бериб бориш жуда зарур деб ўйлайман. Бильакс, йиллар шу тариқат ўтаверса, жонивору ҳашарот, ўсимлигу гиёҳларга қирғинбарот ёпириши шубҳасиздир. Табиат борлиғи билан гўзалдир. Бу гўзалликни топтамаслик, ақл билан иш кўришимизни ҳаёт тақозо этади. Бинобарин гўзаллик ва инсон игизакдир.

Т. БОЙМИРОВ.

МЕҲР-МУРУВВАТ КУНДА КЕРАК

Нукусда «Наврўз» ҳайрия жамғармаси таъсис этилди. Бу жумҳуриятдаги 170 нафар халқ депутатининг ҳамма депутатлик харажати учун ажратилган ойлик пулларини уй-жой-ижтимоий банкининг Қорақалпоғистон бўлимига ўтказдилар. Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг яқинда ўтган сессиясида шундай қарор қабул қилинганди. Хайрия жамғармаси маблағларидан меҳр-мурувват йўлида —камбағал оилаларга турли-туман ёрдам кўрсатиш, болалар уйлари, қарияларга кўмаклашишга сарфланади.

* * *

Болалар жамғармаси ва тинчлик жамғармасининг вилоят бўлимлари Гагарин шаҳрида биргаликда меҳр-мурувват тадбирини ўтказдилар. Улар муҳтожларга бир йўла моддий ёрдам кўрсатдилар. Мирзачўлда эса бундай кишилар — пенсионерлар, ногиронлар, етим болалар ва кўп болали оналар анчагина. Қишлоқ Советлари комиссиясига ана шундай кишиларнинг рўйхатини тақдим этишди. Таклиф этилганларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари берилди. Вилоятнинг Дўстлик, Пахтакор ва бошқа районларида ҳам шундай тадбирлар ўтказилди. Хайрия ташкилотлари йил бошидан бери муҳтожларга бир йўла 36 минг сўмлик ёрдам беришди. Бу пулларга гиламлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, бинокорлик материаллари сотиб олинди. Юртдошимиз— профессор Т. Ф. Тоиров ранслик қилаётган Москва «Фуқаролар тинчлиги» уюшмаси вилоятга катта ёрдам берди. У жиззаҳликларга бир марта фойдаланиладиган шприцлар, кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар билан инсоний ёрдам кўрсатди.

* * *

Катар давлатининг талабалари ва ёш мутахассислари Тошкент Олий ўқув юртларида таълим олаётганлиги муносабати билан бу давлат Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами берди. Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамиятига қарийб 90 тонна озиқ-овқат маҳсулоти берилди. Улар орасида ун ва ёғ, консерваланган сабзавотлар ва шакар, қурутилган сут ва юмшоқ пишлоқ бор.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган дастлабки автомобиль поездлари Қорақалпоғистон ва Сурхондарёга, Фарғона водийсига жўнаб кетди. Бу маҳсулотлар ёлғиз қарияларга ҳамда кам таъминланган фуқароларга улашилади.

* * *

Ўзбекистон пойтахтига дори-дармонлар солинган жўнатмалар Франциядан етиб келди. Жўнатмаларнинг ичида жуда тақчил дорилар, бир марта фойдаланиладиган шприцлар, боғлаш материаллари, ўпкаси шамоллаган болалар учун дори-дармонлар бор эди. Бу юк аниқ манзилга — Тошкент шаҳридаги кўп йўналишли бешинчи касалхонага аталганди. Бу ерда яқинда франциялик болалар шифокорлари гуруҳи иш тажрибасини ўтаган эди. Хорижий шифокорлар болалар касалхоналарида дори-дармонлар таъминоти муаммоларига дуч келганларидан сўнг, ўз пулларига турли хил дори-дармонларни сотиб олдилар ва уларни болалар касалхонасига совға қилдилар.

ЖАҲОН МАТБУОТИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Япония ва чет эл оммавий ахборот воситалари СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Японияга расмий ташрифини ва олий даражада совет—япон музокаралари бошланганини батафсил ёритмоқда.

Токиода чиқадиган газеталар ташрифнинг дастлабки амалий якунларини таъкидлаб, СССР билан Япония раҳбарлари икки томонлама муносабатларни тубдан яхшилаш учун куч-ғайрат сарфлашга тайёр эканликларини айтдилар ва бу соҳада дастлабки қадам сифатида бош вазир Т. Кайфунинг СССРга ташрифи тўғрисида ахдномага эришдилар, деб ёзмоқда.

«Токио симбун» газетаси хабардор доираларга таяниб, икки мамлакат олий раҳбарлари ўртасида бундай фикрлашиб олиш Япония—Совет муносабатлари тарихида биринчи марта бўлаётганини ёзди.

«Ниҳон кэйдзай» газетаси бундай деб ёзади: «Михаил Горбачев киритган Осиё-Тинч океан минтақасида хавфсизликнинг яхлит системасини вужудга келтириш ғояси СССРнинг сайёрадаги ана шу районнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиш муддаосини яққол кўрсатиб турибди, бу район янги асрнинг бошида жаҳон тараққиётининг марказига айланади».

Лондонда чиқадиган «Дейли телеграф» газетаси ташриф «Совет Иттифоқи билан унинг Шарқий қўшниси ўртасидаги муносабатларда «совуқ уруш» тўхтатилишининг узоқ жараёни бошланганини» билдиради, деб таъкидлайди.

Олий даражадаги совет — япон музокаралари давом этмоқда, лекин ташрифдан сўнг СССР билан Япония ўртасидаги муносабатлар аввалгидек бўлмаслиги ҳозирдаёқ равшан бўлиб қолди, деб ёзади Франциянинг «Монд» газетаси.

(ТАСС).

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

УРГАНЧ. Бу ерда Хоразм вилоят партия комитети билан вилоят партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Пленум қатнашчилари 1990 йилги партия бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳамда вилоят партия ташкилотининг бу йилги бюджети ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар. Вилоят партия комитетининг иккинчи котиби А. П. Володарский маъруза қилди.

Пленумда «КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини тарғиб қилиш ва тушунтириш юзасидан Хоразм вилоят партия комитетининг иши тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг 1991 йил 11 мартдаги қарорини бажариш юзасидан вилоят комитетининг ташкилий-сиёсий тадбирлари ҳам кўриб чиқилди.

Пленумда вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси Р. М. Худойберганова нутқ сўзлади.

ТОЖИКИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ОЛДИДАН

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Қўшни жумҳуриятда ўтказилажак дўстлик байрами Ўзбекистон пойтахтидагина эмас, унинг бошқа гўшаларида ҳам катта қизиқиш уйготди. Бухорода масалан, унга қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Қўҳна шаҳар билан Тожикистон ўртасида қандай алоқалар бор, дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун нималар қилинди? ЎзТАГ мухбири Бухоро шаҳар Советининг раиси Қ. Ҳ. Маҳмудовга шундай саволлар билан мурожаат этди.

— Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, кўп ишлар қилинди, — дейди Қаҳрамон Ҳайдарович. — Келинг, яхшиси бир бошдан сўзлаб берай. Икки йил аввал шаҳримизда тожикларнинг «Офтобу суғдиёна» миллий маданият маркази тузилган эди. Унга ёзувчи Аминжон Шукуров бошчилик қилмоқда. Мазкур марказ фаолларининг куч-ғайратлари туфайли маданий алоқаларимиз янада самарали бўлмоқда.

Чунончи, Бухорода юртдошимиз, истеъдодли тожик адиби Жалол Икромий таваллудининг 80 йиллигига бағишланиб Тожикистон адабиёти кунлари бўлиб ўтди. Айний комитетининг XXXIII илмий сессияси Бухоро инқилобининг маъракасига бағишланганди. Садриддин Айний «Марсельеза» оҳангларига асосида 1919 йилда яратган «Озодлик юриши» қўзғолон кўтарган бухороликларнинг инқилоб қўшиғига айланди. Яна бир хушхабарни айтиб ўтмоқчиман: яқинда Бухоро ва Тожикистоннинг Хўжанд шаҳри биродарлашдилар.

Бухоро билан Тожикистон маданий турмушининг энг муҳим томонларидан бири ўзаро гастроллар алмашинуви бўлди. Масалан, Наврўз байрами кунларида СССР халқ артисти Жўрабек Муродов бизда катта концерт берди. «Нозанин» ва «Моҳиситора» фольклор жамоаларимиз эса тожик диёрида кўпдан-кўп концертлар беришди.

Июнь ойига режалаштирилган Ўзбекистон маданияти кунларига келганда эса, биз уни сабрсизлик билан кутяпмиз. Тожикистонда Бухоро ўлкасида тожик қўшиғини куйламайдиган бирорта хонанда йўқлигини билишса керак. Бирор концерт йўқки, қўшни жумҳурият санъат усталарининг асарлари ижро этилмасин. Шундай қилиб, дўстлик байрамига дўстларимизни хурсанд қиладиган дастур тайёрлаш ниятидамиз. Вилоят маданияти бошқармасида ижрочилар танлаб олинмоқда, улар қўшни Тожикистон заминида Бухоро санъатини намойиш этадилар.

ОФАТ ВА МАТОНАТ

...Ўша куни арабқишлоқликлар эрта тонгданоқ қадрдон далаларида бўлажак ҳосил тараддудини кўраётган эдилар. Қишлоқ хонадонларида ҳам деҳқончилик ишлари авжига чиққанди. Кўплар томорқаларига турли эртаги экинларни экиб қўйишганди.

Кечга яқин ҳавони бирдан қора булут қоплаб, совуқ томчилар туша бошлади. Кўп ўтмай шаррос ёмғир қуйиб, жала ва дўлга айланди. Қардош Қирғизистон жумҳуриятининг Бурганди адирликлари яқин бўлгани учун жала сувн тўпланиб, далалар бўйлаб шиддат билан қишлоқ кўчаларига оқиб келди.

Тошқиннинг лойқа сувн қишлоққа кираверишдаги Козимжон Жумабоевнинг уйига урилди. Сўнг Арабқишлоқ-Пойтуғ қатта йўлига чиқиб икки четдаги турна қатор уй деворларини ялаб, гўё дарё сингари оқа бошлади. Аввалига кўпчилик анча саросимага тушди. Ким қўлига нима тушса, ўша билан табиий офатга қаршн кураш-ди. Тошқин эса тобора қишлоқ ичкарисига ҳайқириб кириб борарди...

Атиги 27 минут қуйган сел ва дўл экин майдонларидан тортиб, том ва деворларни шикастлантирди. Дастлабки маълумотларга қараганда қишлоқдаги 285 хонадондан 200 дан ортиғи турли даражада талафот кўрди. Кенжабой Зоҳиров, Абдураҳмон Хўжақулов, Тилла-буви Жўраева, Мамажон Мусабоев хонадонлари анчагина зарарланди.

Табиий офатни бартараф этиб, аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича Пахтаобод район партия қўмитасининг биринчи котиби Мунисахон Эргашева бошчилигида штаб тузилди. Унга район, вилоят соғлиқни сақлаш, савдо, суғурта, алоқа ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари жалб этилдилар. «Коммуна» жамоа хўжалиги ҳамда маҳалла фаоллари 6 гуруҳга бўлиниб, ташкилотчилик ишларини олиб бордилар.

Эртасига тонгданоқ бу ерга кўчма дўкон келтирилди. Адашбой Болтабоев етакчилигидаги савдо ходимлари аҳолига хизмат кўрсата бошладилар. Қишлоқ аҳли ун, гуруч, ёғ, идиш товоқ ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари билан таъминланди.

Хўжалик бош агрономи О. Абдуолимов 416 гектар майдонга экилган картошка, маккажўхори, карам, беда ва бошқа эртаги экинларнинг нобуд бўлганини ачиниш билан қайд этди. Абдурасул Абдулазизов, Бургут Турсунов етакчилик қилаётган бригадалардаги ана шундай экинлар айниқса, кўпроқ зарарланди.

...Табиий офатни мардоновор енгаётган арабқишлоқликлар баҳорги ишларни қалб қўри, ирода кучи билан қайтадан бошлаб юборишдилар. Қишлоқ қарияларининг айтишича, бундай кучли сел, жала ва дўл кейинги 50 йил мобайнида бўлмаган экан.

Т. ҚУРБОНОВ.
Пахтаобод райони рўзғор маснинг бўлим мудири.

МИННАТДОРМАН

Фалокат оёқ остида деганлари рост экан. Кўзимизни яшнатиб, хонадонимизга қувонч қўшиб юрган қизимиз Умида арғумчоқдан йиқилиб, ҳушидан кетди. Аксига олгандек шу оқшом турмуш ўртоғим уйда йўқ эдилар. Бундай пайтда эсанкираб қоладн, киши. Хайрият бахтимизга қалби дарё шифокорларимиз бор. Улар елиб-югуришди. Маълум бўлдики, қизимнинг орқа миясига қон қуйилиши натижасида нафас олиши деярли тўхтаб қолган экан. Врач Баҳриддин Абдуллаев томонидан сунъий нафас берилди, турли муолажа қилинди.

Ўша даҳшатли дақиқаларни ҳеч унутолмайман. Сўнаётган умидимга ёлғизгина нажот шифокорлар эди. Улардан бир умр қарздорман. Улар нури дийдамни ҳаётга қайтардилар. Она учун бундан ортиқ қувонч борми?

Шифокорларнинг жонқуярлиги, билими, саъй-ҳаракатлари натижасида Умида оёққа турди. Қанча-қанча беморларга ҳаёт ато этган, умрига умр қўшган шифокорлар Р. Ёқубов, Т. Олимов, Н. Нарзиева, М. Олимова, Ж. Муродовалардан чексиз миннатдорман. Бахтимизга қувончу севинчларимиз посбонлари ҳамиша омон бўлишсин.

Умрия САЪДУЛЛАЕВА,
Вобкент райони.



Шифокор юраги ҳамиша эзгулик нурларидан шуъаланиб туради. Бу шўъла уларнинг меҳрига қўшилиб, бемор дардига малҳам тутади. Эл ардоқлаган шифокор Шаҳноза Жумаева ўн йилдан бери халқ саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб келаяпти.

СУРАТДА: Жиззахдаги 2-поликлиника даволовчи врачи Ш. Жумаева.

Ш. ТУРАЕВ олган сурат.

Гулқайчи

ЎРТАДА САРСОН ИЛИК

Маълумотларга қараганда жигар касаллиги, ичак ва ошқозон раки, қон босимининг ортиши каби хасталиклар Андижон вилоятида кенг тарқалган. Бунга аҳолининг ўта зич яшаши, заҳарланган тупроқда етиштирилган маҳсулотларни истеъмол қилиш, даволаш муассасаларининг етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

Шу боис эндиликда шароитни яхшилаш мақсадида шифохоналар, санаторийлар қуриш, мавжудларини кенгайтириш режалаштирилаяпти. Пахтаобод ноҳиясидаги Маданият қишлоғи яқинида қад ростлаган санаторий-профилакторий ана шундай эзгу ниятлар натижасида бунёдга келди. Гап 1985 йили «Коммуна» жамоа хўжалиги маблағи ҳисобига қурилган 58 ўринли, «Ғалабанинг 40 йиллиги» номи билан аталувчи кичик санаторий ҳақида бораяпти. Аслида Андижон вилоят партия қўмитаси, ижроия қўмитаси ва касаба уюшмалари қўмитаси томонидан 1979 йил 12 сентябрда «Пахтаобод районидаги «Коммуна» колхози ҳудудида 500 ўринли «Оналар ва болалар» вилоят санаторийсини лойиҳалаштириш ва қуриш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Шуни таъкидлаш керакки, бу ҳужжат Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Фарғона водийсида санаторий тармоқлари ва меҳнаткашларнинг оммавий дам олиш жойларини ривожлантириш» ҳақидаги қарорини бажариш негизида юзага келганди.

Мазкур қарорда нафас органлари ва асаб касалликларини даволашга мўлжалланган санаторий қурилиши икки навбатда бўлинган бўлиб, унинг 250 ўринли биринчи навбати 1982 йили, 250 ўринли иккинчи навбати эса 1984 йили ишга тушиши қатъий қилиб белгиланган, дахлдор ташкилотларга аниқ кўрсатмалар берилган эди.

Афсуски, қабул қилинган қарорнинг ижроси учун яна юқорининг рухсати зарур бўлди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети орадан 4 йил ўтиб, 1983 йил 7 июлда «Пахтаобод районидаги «Коммуна» колхозида 250 ўринли «Оналар ва болалар» санаторийси қуриш учун 10 гектардан зиёд ер ажратиш тўғрисида» қарор чиқарди. Бир томондан шундай рухсатлар, қарорларни қўлга киритиш учун югур-югурларнинг адоғи кўринмас, лекин колхоз ўзи мўлжаллаган бинони қуриб битказмоқда эди.

Курортлар ва соғломлаштириш муассасаларини барпо этиш ва фойдаланиш вилоят бошқармаси эса шерикчилик негизида қурилаётган санаторий учун корхоналар, ташкилотлар, ҳўжаликлардан пул тўплашга киришиб кетди. 1985 йилгача шу йўл билан 1 миллион 800 минг сўм пул жамғарилди. Санаторийнинг биринчи навбатини барпо этиш 1983 йил ёзида 1-қурилиш бирлашмаси томонидан бошлаб юборилган эди. Лекин шу орада (1985 йили) колхоз томонидан қурилган 58 ўринли бино битди-ю, курортлар бошқармаси ярим миллион сўм тўлаб, уни колхоздан шартта сотиб олди-да, санаторийнинг биринчи навбатини қуриб битказдик, деб юқори ташкилотларга ахборот бериб юборди. Ва... 130 минг сўмлик иш бажарилган жойида санаторийнинг 250 ўринга мўлжалланган асосий биноси қурилиши тўхтади.

Мана, орадан 6 йил ўтди. 58 ўринли санаторийда одамлар саломатликларини тиклашмоқдалар. Ҳолбуки, қарорга асосан у бундан 7 йил аввал 500 кишига хизмат қила бошлаши керак эди. Мавжуд кичик санаторийда йилига 800 нафардан ортиқ бемор даволаниб, соғлигини тиклаб, меҳнатга, оиласи бағрига қайтмоқда. Минглаб кишилар шифокору ҳамширалар шаънига раҳматлар айтишмоқда. Қобилиятли мутахассис Қобилжон Сотиев бош шифокор вазифасида фаолият кўрсатиб келяпти. У Андижон шаҳар клиник шифохонасида орттирган тажрибаси асосида игна билан даволаб, кишилар ҳурматига сазовор бўлмоқда. Санаторийга раҳбарлик қилар экан, у атроф боғ-роғга айлантирилишига бош-қош бўлди. Санаторий яхши ерга жойлашган: катта йўлдан узоқроқда, шовқин-сурондан ҳоли, осойишта, кунгай, ҳавоси тоза. Кун чиқишда баланд-паст адирлар, улар ортида қорли тоғлар баралла кўриниб туради... Шунинг учунми ё муолажаларнинг яхши самараси туфайлими, бу ерда даволанишни хоҳлаб келувчилар сони кундан-кунга ортиб, 58 ўрин камлик қилиб қолди. Бу орада 1987 йили саноторий биносининг ёнгинасида кам минерали илиқ сув чиқарилди. «Средазгеомнвод» гидрогеологик экспедициясининг маълумотларига кўра бу шифобахш сув таркибида гидрокорбонат, сульфат, хлорид, натрий каби минераллар мавжуд эди. СССР соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Марказий курортология ва физиотерапия илмий-текшириш илмгоҳи мазкур шифобахш сувдан ванна, бассейн тариқасидаги муолажа мақсадида сурункали ошқозон-ичак, жигар, ўт пуфаги, пешаб йўлларини даволашда, модда алмашинувини яхшилаш учун ичимлик суви сифатида фойдаланиш мумкин деб фатво берди.

Ана шундан кейин туя гўшти еб чўкиб қолган катта қурилишни қайтадан жонлантириш сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолди. Тўғри, бош шифокор шунгача ҳам ҳаракин ҳали олдинда уни яна анча дахмазалар кутарди. 6—7 йилдан бери тепаси очиқ ҳолда, қор-ёмғирда ивиб, захлаб, нураб ётган деворни қайта текширувдан ўтказишга тўғри келди. Андижон вилоят ижроия комитети қошидаги давлат экспертиза бошқармасидан, «Узгромежхозпроект» лойиҳа институтидан келишиб, 130 минг сўм сарфланган бинони яроқсизга чиқаришди, фақат пойдевори ярайди, деган хулосага келишди ва ҳар қалай қурилишни давом эттиришга рухсат беришди. Лойиҳа институтининг Андижон филиали мурувват қилиб, 80 минг сўм пул эвазига санаторийнинг 250 ўринга мўлжалланган биносини қайта лойиҳалаштириб берди. Қаранг, шунча йил ернинг умри бекор ўтди, 200 минг сўмдан ортиқ маблағ ҳавога совурилди...

Гап шундаки, вилоят ижроия комитетининг 1989 йил 29 майдаги қарорига биноан «Ғалабанинг 40 йиллиги» санаторийсининг тугалланмаган қурилиши ҳамда 10 гектардан иборат ер майдони «Узколхозздравница» жумҳурият бирлашмаси ихтиёрига ўтказилди. Вилоят курортлар бошқармаси гўё эркин нафас олиб ўйиндан чиқиб кетди. Натижада иш битирувчи маҳкамалар орасидаги масофа узоқлашди. Иккинчи томондан, энди иш бажарувчи ташкилот —1 «Андижоноблагропромстрой» бирлашмаси ўзининг янги шартларини ўртага ташлади: ташқи инженерлик тармоқлари: канализация, иситиш таъминоти, ёритгич таъминотларини ҳам қайта лойиҳалаштириш керак эмиш. Экспертиза бюроси ишни асосий бинодан бошлаб тураверишмумкин деяпти, лекин бирлашма шунча йил турган қурилиш, шунча кутган беморлар яна озгина сабр қилишса ҳеч нарса эмас, ҳамма лойиҳа-сметаларни тахт қилиб бир йўла ишга киришган маъқул, деб оёқ тираб турибди.

Қамчибек КЕНЖА.

ТАНИШТИРУВ

Шоир Абдулла ТУРДИЕВ Самарқанд вилоятининг Иштихон районига қарашли тоғли Зарбанд қишлоғида таваллуд топган. 1969—1975 йилларда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика куллиётида таҳсил олди.

У дорилфунуннинг «Тошкент университети» ва журналистика куллиётининг «Журналист» кўп нусхали рўзномалари муҳаррири ўринбосари ва муҳаррир лавозимларида ишлади. Қейин «Бир сафда» жаридасида бўлим муҳаррири бўлди.

Яқинда у «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномаси таҳририятига, ишга қабул қилинди.

ТУН

Ҳовуч-ҳовуч ёғду сочар ой,
Қўлга қўнмас ойнинг ўроғи.
Қиз сочидай тўлғонади сой,
Тун — висолнинг сирли қучоғи.

Сувратлайди бахтин қалбига —
Қишлоқдаги ошиқ омади...
Бунда тунлар ёрнинг лабига —
Юлдузлардан ёғду томади!

ҲАҚИҚАТ

Оқин оқ дейдилар, қорани қора,
Қарғани минг булбул демагил — қарға.
Мен бугун номнигни ёзаман — торга—
Ҳақиқат.

Замин мавжуд экан, само бор токи,
Ҳаётга мезондир инсон идроки.
Сен — Усмон Носирнинг бир сиқим
ҳоки —
Ҳақиқат.

Не-не шоҳаншоҳин кўрди бу дунё.
Тож — қуёш эмасдир, сочмагай зиё.
Мозийдан бугунга етолган дарё —
Ҳақиқат.

Темурни тамоман жоҳилга йўйдик,
Марҳумлар руҳини таҳқирлаб қўйдик.
Ноҳақлик, зулумдан — бормисан,
тўйдик—
Ҳақиқат.

Бир гуруҳ вайсайди: «Ўзбеклар иши»,
Юракка санчилмиш заҳарли қиши.
Сени йўқотолмас улар «миш-миш»и —
Ҳақиқат.

Бўйлагил, сен билан ҳамиша халқ бор,
Дунёда адолат, демакки, ҳақ бор.
Мангу ҳакамликка энг одил вақт бор —
Ҳақиқат.

Майли, қурбонликка садага жоним,
Қолсин байроғимгда бир томчи қоним.
Сени омон кўрсин Ўзбекистоним —
Ҳақиқат.

БУЛБУЛ

Бўйла, қат-қат ялпоғи — ёш-нам,
Тонгга қадар йиғлаб чиқар гул.
Изтироби, титроғи — шабнам —
«Тўрқовоққа сиғмайди булбул!!!».

АРАВА

Билмас эдим у асло тиним,
Елкасида бир дунё юки.
Аро йўлда қолди бир куни —
Ғилдирагин синди-ю ўқи.

Ва оломон, қаранг, бир пасда
Араванн олди ўрашиб,
Шунда ўзга арава — «дўст»дан
Нелигини қолди сўрашиб...

Қувончи ғимирлаб деди у:
«Пачава арава эди у...».

ТОШ

У қушларга тош отди аввал,
Ойналарни қийратди кейин.
Қўшин қизин йиғлатиб бир гал,
Талаб қилди чақамн, тийин...
Сўнг болакай боғ девор ошиб,
Ҳар ғўрага тош отди пастдан.
Ва чироқлар синди қалашиб,
Уларни ҳам даъф этди қасддан.
Сўнг... Ўтганнинг ўроғни олиб,
Кетмонига тегди кетганнинг.
Чўнтагига нуқул тош солиб,
Қон қақшатди «Сени...» деганнинг.
У улғайди қўлда тош билан,
Ўзгаларга тош отиб ўсди.
Умри ўтар тош қалаш билан,
Эзгуликнинг йўлини тўсди.
Шамойили одамшаванда —
Юрагида бир қора тугун.
У—инсофни билмаган банда —
Марҳумларга тош отар бугун!!!

Абдулла ТУРДИЕВ.

ЛИП-ЛИП ЧИРОҚ

Ҳурматли Деҳқон бува! Иложини топиб, биз тарафга бир қиё боқиб кетсангиз. Кўпдан бери электр нуридан одамларга ўхшаб баҳраманд бўлолмай ҳунобмиз. Шу боис Тошкент ноҳиясидаги «Ленинград» давлат хўжалиги хонадонларида кўпинча қўл чироғидан фойдаланишяпти. Ильич нури эса бир меъёрда ёруғлик тарқатмайди. Лип-лип ёнади-ю кўп ўтмай ўчиб қолади. Бундай аҳволда фарзандларимиз кечки пайт қандай қилиб дарс тайёрласин?

Новвойхона ходимлари ҳам мушкул аҳволга тушиб қолаяптилар. Чироқнинг ўчиб қолиши оқибатида хамир ачиб, нондан путур кетмоқда. Шу ҳақда неча бор район электр тармоқларидаги ўртоқларга шикоят хати ёздик. Лекин натижа йўқ. Ёки улар ҳам шу аҳволда эканмиканлар? Бу ёғи бизга тундек қоронғи.

Т. ДУСАНОВ,
ўқитувчи.

ЙЎЛДАГИ ҲАНГОМА

Бир куни Насриддин афанди шаҳар айланмоқчи бўлиб, ғузэор автобусига чиқди. Одам иҳоятда кўп. Ғала-говурдан бошин айланса-да, тик турганча бир амаллаб кетаверди.

Автобус «Шўртан» бекатидан ўтаётганда йўлоқчилар қўл кўтариб, тўхташни илтимос қилишдилар. Лекин ҳайдовчи уддабуронлик қилиб:

— Оғайнилар, ортимдан Қаршн бўш келяпти, — деб жавоб бериб.

Шунда афанди қувониб деди:

— Жон ука, ундай бўлса, тўхтат, мен ҳам ўша автобусга чиқиб, маза қилиб ўтириб кетай.

Б. САРИЕВ.

РАССОМ ХАНДАСИ

— Бозор томон бизнинг йўл,
Хотинжоним, қани бўл!

* * *

Амални қўлдан бой берманг, жигарларим.

Ҳ. СОДИҚОВ расмлари.

СПОРТ

МУҲИМ ҒАЛАБА

Будапештдаги «Непштадион» ўйингоҳида футбол бўйича Европа биринчилигининг саралаш учрашуви бўлиб ўтди. Унда Венгрия ва СССР терма жамоаси ўзаро куч синашдилар. Бу ўйин ҳар икки томон учун муҳим аҳамиятга эга эди. Агар учрашув меҳмонлар фойдасига тугаса, улар финал босқичига чиқиш учун яхши имкониятга эга бўлардилар. Совет футболчилари ҳам ана шундай мақсадни кўзлашгани табиий эди. Шунинг учун учрашув қизиқарли ва жанговар ўтиши кутилганди. Ҳақиқатан шундай бўлди. Илк дақиқаларданоқ майдон эгалари ҳужумга зўр бердилар. СССР терма жамоаси эса ҳимояда аниқ ҳаракат қилиб, имкони бўлди дегунча тез-тез мезбонлар дарвозасига хавф солиб турди. Ана шундай вазиятларнинг бирида ҳимоячи Галямин дарвозабон билан бирма-бир чиқиб ҳисобни очиши мумкин эди. Лекин у қулай вазиятдан фойдалана олмади. Навбатдаги қарши ҳужумларнинг бирида эса жамоамиз капитани Михайличенко ўзини кўрсатиб, ҳисобни очди.

Танаффусдан сўнг ўйин янада кескин тус олди. Лекин рақиблар қанчалик ҳаракат қилишмасин, ҳисобни ўзгартира олмадилар. Шундай қилиб, муҳим ғалабага эришган (1:0) мамлакатимиз футболчилари ўз гуруҳларида 6 имкониятдан 5 очко тўплаб, иккинчи ўринга чиқиб олдилар.

Ўйинлар жадвали

	Ў	Т	О
Венгрия	5	7—4	6
СССР	3	3—0	5
Италия	3	5—1	4
Норвегия	3	3—2	3
Кипр	4	2—13	0

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тўрақўрғон шаҳрида миллий курашнинг фарғонача усули бўйича навбатдаги жумҳурият биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва пойтахт шаҳри полвонлари ғолиблик учун курашдилар. 10 вазнда ўтказилган беллашувлар якунида 49 очко жамғарган фарғоналиклар умумҳисобда ғолиб чиқдилар. Андижонликлар иккинчи, наманганликлар учинчи ўринни эгаллашди.

Фарғоналик М. Муродов, У. Маматов, Қ. Розиқов, Л. Зиётов, андижонлик Ш. Исоқов, наманганлик О. Отақўзиев, тошкентлик Б. Маҳмудов, Р. Холов ва Н. Ғозиев ўз вазнлари бўйича ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Косонда эса бухороча усул бўйича жумҳурият шахсий-жамоа биринчилиги ўтказилди. Тўрт кун давом этган ёш полвонлар беллашувида Қашқадарё вилояти вакиллари жамоа ҳисобида зафар қучдилар. Бухороликлар иккинчи, хоразмликлар учинчи бўлишди.

ФАХРЛИ ЎРИН

Крумбах шаҳрида (Германия) шахмат бўйича йирик халқаро мусобақа якунланди. Унда 68 нафар шахматчи ғолиблик учун баҳс юритди. Швейцарча усулда ўтказилган мусобақада 10 имкониятдан 7,5 тадан очко тўплаган уч шахматчи — тошкентлик халқаро миқёсдаги спорт устаси Г. Серпер, москвалик гроссмейстерлар И. Глек ва В. Чехов 1—3 ўринларни бўлишиб олдилар.

ИККИНЧИ ПОҒОНАДА

Донецкда мамлакат кубоги учун гимнастика бўйича ўтказилган мусобақада жумҳуриятимиз вакили Роза Галиева ихтиёрий машқда олтин, таяниб сакрашда эса кумуш медалларни қўлга киритди. Оксана Чусовитина қўшпоя мусобақасида ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Муҳаррир
Н. ЕҚУБОВ.

ҒОЯЛАР ЯРМАРКАСИ

ҚИЧИК КОРХОНАЛАР — ИҚТИСОДИЁТ КЕЛАЖАГИ

Бозорни молларга тўлдириб ташлаш, бозор шартларида меҳнат қилишга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, Сизнинг маҳсулотингиз сотиладиган бозорни кенгайтириш ва қўшимча буюртмаларни жойлаштиришда кичик корхоналар Сизга ёрдамга келади.

Ўзбекистон илмий-техника ахборотн ва техникавий-иқтисодий тадқиқотлар илмгоҳи (УзНИИНТИ) ва СССР илмий ва муҳандислик жамиятлари уюшмасининг Тошкент вилояти идораси

саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари, олий ўқув юртлари, кооперативлар, кичик корхоналар, илмий-текшириш илмгоҳлари ва конструкторлик бюроларининг вакилларини, шунингдек, тадбиркор, ишбилармон кишиларни

«Кичик корхоналар: ташкил қилиш тажрибаси, улар учун техника ва технологиялар» мавзуидаги

БУТУНИТТИФОҚ ФАН ВА ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ ВА ҒОЯЛАР ЯРМАРКАСИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ярмарка 24—26 апрель кунлари Ўзбекистон ССР Давлат план комитети Иқтисод илмгоҳининг мажлислар залида (академик Ҳ. Сулаймонова кўчаси, 29-уй) ўтказилади.

Мамлакатимизнинг кичик корхоналарда ишлаш тажрибасига эга бўлган етакчи мутахассислар Сизларга кичик корхоналарни ташкил этишда амалий ёрдам беришади, корхоналарни ташкил этишда амалий ёрдам беришади, ярмарканинг тижорат маркази эса шартнома тузишга кўмаклашади ва зарур ахборот материаллари, мезоний ҳужжатлар тўплами билан таъминлайди.

Ярмарка ишида қатнашишни истаган корхоналар ва хусусий шахслар (қатнашувчилар ва тавсия этиладиган ишланмаларнинг сонидан қатъий назар) УзНИИНТИнинг Тошкент шаҳар уй-жой ижтимоий банки Октябрь бўлимидаги 000609038-ҳисобига (код 734138) 200 сўм пул ўтказишлари ва УзНИИНТИнинг тарғибот бўлимидан қатнашчининг талабнома-бланкини олишлари зарур.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.

Телефонлар: 39-12-51, 39-48-71, илмий-техника тарғиботи бўлими.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ

Янги суғурта шартларини тавсия этади!

БУ ТЕМИР ЙЎЛ, СУВ ЙЎЛИ, САМОЛЁТ ВА БОШҚА ТРАНСПОРТ ТУРЛАРИ БИЛАН ЖЎНАТИЛАДИГАН ЮКЛАРНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШДИР.

Бундай турдаги суғурта шартномасида юклар табиий офат, авария, бахтсиз ҳодиса натижасида нобуд бўлган ёки шикастланган ҳолларда, шунингдек юк йўқолган тақдирда кўрилган зиён ўрни қопланиши назарда тутилади.

Шартнома қуйидаги шартларда тузилиши мумкин:

хатарнинг барча турлари учун жавобгарлик билан;
шикастланиш учун жавобгарликсиз;

Ҳар иккала ҳолда ҳам юкларни қутқариш ва сақлаб қолиш билан боғлиқ сарф-харажатлар ўрни қопланиши кўзда тутилади.

Суғурта тўлови: юклар денгиз орқали (трюмда) жўнатилганда суғурта пулининг 0,5 фоизини, ички сув йўллари билан (палубада) жўнатилганда — 1,5 фоизни, темирйўл, автомобиль транспорти ва оралаш йўллар орқали жўнатилганда —0,4 фоизини, ҳаво транспорти билан ва почта жўнатмалари орқали жўнатилганда 0,25 фоизини ташкил қилади.

Камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентлар қўлланиши мумкин.

Давлат суғуртасининг исталган нозирлигида бу ҳолда мукаммалроқ маълумот олишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

БУЮРТМА № 5212 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64602. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12